ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВАСИҚАЛАРДА РАСМИЙ ВА БАДИИЙ УСЛУБЛАР СИНКРЕТИЗМИ МАСАЛАСИ

Қ. СОДИҚОВ

Мақола қадимги туркий битиклар – Турфондан топилган ёзма ёдгорликларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ушбу расмий ҳужжатларда услубий синкретизм ҳодисаси мавжудлиги кўрсатилиб, бу ҳолни юзага келтирган омиллар очиб берилган. Уйғур ёзувида битилган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, саводхонлик даражасидан келиб чиқиб, муаллиф улар ёзилган даврдаги туркий тилнинг мақоми, жамиятнинг маърифий даражаси ҳақидаги илмий фаразларини баён қилган.

***Калит сўзлар**: услубий синкретизм, функционал стилистика, расмий ҳужжат, уйғур ёзуви, қарз берув ҳужжати.*

Статья посвящена исследованию стилистических особенностей древнетюркских письменных памятников – официальных документов, найденных в Турфане. Показан стилистический синкретизм, имеющий место в данных документах, выявлены причины этого явления. Уровень создания, грамотность, оформление, точность подачи материала позволяет судить о статусе древнетюркского языка, и высоком уровне образованности того общества.

***Ключевые слова**: стилистический синкретизм, функциональная стилистика, официальный документ, уйгурская письменность, заемное письмо.*

The article is devoted to the study of stylistic peculiarities of the official documents discovered in the ancient Turkic manuscripts, found in Turfon. The author tries to show the specific style – syncretism, used in these documents and the author tries to explain the reasons which caused the appearance of such a style. The level of creation and literacy, formation of the documents exactness in expressing ideas allow us to think that ancient Turkic language was perfect and the level of literacy of people living in this society was rather high.

***Key words:** stylistic syncretism, functional stylistics, official document, Uyg'ur writing, a document about a creditation.*

Турфондан топилган ёзма ёдгорликларнинг муайян бўлаги васиқалар бўлиб, IX-XI юзйилликларга тегишли. Битиглар ҳозирги кезда Берлин Фанлар академиясининг, Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзма фондларида, Урумчидаги Тарих музейида сақланмоқда.

Муҳим қирраси, ушбу расмий битиглар хонларнинг ёрлиқлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, деҳқонлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг кирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дон-дунни, матони ортиғи билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, қулларнинг ўз беклари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир.

Васиқалар туркий тилда, эски уйғур хатида битилган. Бу нарса давлат ишларида, айниқса, ҳужжатчиликда туркий тилнинг, уйғур ёзувининг мавқеи юқори эканини билдиради. Таъкидламоқ ўринлики, ушбу битиглар туркий ҳужжатчиликнинг илк намуналари эмас (Ваҳоланки, туркий ҳужжатчилик бундан-да эски замонларга бориб тақалади). Шундай эса-да, улар ҳужжатчиликнинг нодир намуналари бўлиб, туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Битиглар ҳужжатлар дипломатикасининг барча талабларига тўлиқ жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуби юксак балоғат даражасида, терминлар тизими мукаммал; туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичидан ўтганлигини англатиб туради. Яна бир жиҳати, айрим васиқалар ёзувининг оддийлиги демаса, айтарли бари саводли битилган.

Шу ўринда ўрта аср ҳужжатлари услубининг муҳим қирраси тўғрисида икки оғиз сўз. Одатда, расмий услуб ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма

маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадиий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни, чегарани ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, ўрта аср ҳужжатчилигига нисбатан қўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр ҳужжатларида, юқорида расмий услубга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадиий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, васиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун ўрни билан бадиий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадиий тафаккурнинг, бадиий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, васиқаларда оғзаки ва бадиий услубга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қилади. Улар расмий матнларга бадиий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсирли ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу нарсани қадимги туркий ёзма адабий тилидаги услублар синкретизми сифатида баҳолаш мумкин. Буни бир-икки мисолда кўриб чиқамиз.

Битиглар орасида Кўни Қуз отли хўжайиннинг Бурхан Қули отли қулига берган васиқаси бор [1]. Унда хўжайиннинг ўз қулига эрк ҳужжати (*boš bitig*) берганлиги тўғрисида сўз боради. Матндан ўқиймиз:

(1) Taqïğü yïl, üčünč ay, iki yaŋïqa men
(2) Köni Quz ağïr igkä tegip, ölüp yïtïp
(3) barğay-men tep, Šïŋuy tutuŋ begkä,
(4) küdägüm Likäkä keŋäšip aytïšïp,
(5) Gäŋsidä tuğmïš Burxan Qulï atlïğ
(6) oğulanqa ögkä qaŋqa buyanï
(7) tegsün tep boš bitig berdim.
(8) Bu küntä mïnča Burxan Qulïnïŋ ya
(9) örü tağqa, qudï quumqa barsar,
(10) öz köŋülinčä buyan berip yorïsun.

Энди матн семантикасига эътибор қаратайлик. 2-3-қаторларда кечган: *ağïr igkä tegip, ölüp yïtïp barğay-men tep* жумласи “оғир дардга чалиниб, ўлиб-йитиб кетсам, ишим чала қолмасин, деган хавотирда” англамидадир..

6-7-қаторлардаги: *buyanï tegsün tep* – “савоби тегсин дея” маъносини билдиради; *buyan* (<*скр. punya*) – “савоб; эзгу, савобли, ҳайрли иш” [2.120].

8-10-қаторларда: *Bu küntä mïnča Burxan Qulïnïŋ ya örü tağqa, qudï quumqa barsar, öz köŋülinčä buyan berip yorïsun.* Ушбу мисолимиздаги *örü tağqa, qudï quumqa barsar* бирикмасидаги *örü tağ* – “юқори тоғ” ҳамда *qudï quum* - “қуйи қум”, уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадиий санъат ҳосил қилинмоқда; “юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими” деган маънода, яъни “истаган ерида; ҳамма ерда” англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун ғайриодатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадиийлигини таъминлаш, “эркинлик” тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланган. Шуларни кўзда тутган ҳолда, юқоридаги матнни қуйидагича талқин қилиш мумкин:

(1) Товуқ йил учинчи ойининг иккинчи кунида мен
(2) Кўни Қуз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб
(3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,
(4) куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,
(5) Гангсида туғилган Бурхан Қули отли
(6) ўғлонга (қулга), онамга-отамга савоби
(7) тегсин деб, эрк ҳужжатини бердим.
(8) Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),
(9) юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими,
(10) ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин.

Бошқа бир мисол. Қонунга кўра, ҳар қандай берим кафолатлануви, олинган нарса олувчининг ўзи ёки унинг яқинлари томонидан албатта қайтарилмоғи керак. Буни ихчам ҳам таъсирли қилиб ифода этиш учун бадиий ифодага мурожаат этилади. Бирор нарсани қарзга берув ҳужжатларида *bergінčä yoq bar bolsar-men* деган стереотип, шунинг билан бирга, бадиий бўлган жумлага кўзимиз тушади. Бу жумла “қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)” деган маънони билдиради. Масалан, Берлин фондида сақланаётган Т.М.222 кўрсаткичли Булмиш отли кишининг солиқ тўлаш мақсадида Қара Ўғулдан қарзга олган кумуш танга учун берган тилхатида бу ҳолат шундай кафолатланган: *Asïğï bilä köni berür-men. Bergінčä yoq (ba)r bolsar-men kišim Tüzüg köni (b)ersün.* Маъноси: “(Кумушни) фойдаси билан тўлиқ қайтараман. Бергунча йўқ-бор бўлсам (борман-йўқман) хотиним Тузуг тўлиқ берсин” [1.443]. Бу ўринда беримчи беримни тишиси (хотини) Тузугни ўртага қўйиб кафолатламоқда.

Қул ёки жорияни бирор нарса эвазига айирбошлангани тўғрисидаги васиқаларда қулнинг кейинги эгасига бериладиган эркинлик ҳам белгилаб қўйилган. Қулни ўзига олаётган киши “минг йил, туман кунга қадар унга эгалик қилсин” (*miŋ yïl, tümän künkä tegi egälik bolsun*) деб кўрсатила-

ди ҳужжатларда ушбу ҳолат. Бу жумладаги “минг йил, туман кун” ибораси “қул ўлгунча, умр бўйи” деган маънодадир. Дарвоқе, *miŋ yïl, tümän kün* ибораси тарихий-бадиий асарларда “узоқ йиллар; кўп аср” маъносида тез-тез учраб туради.

Яна бир жиҳати, қулнинг кейинги эгаси ҳам олган қулини сотиб юбориши мумкин. Бунинг сингари ҳолатлар ҳам қулни сотиш ёки айирбошлаш ҳужжатида қайд этиб қўйилган. Унга эгалик қилувчи киши “истаса ўзи тутсин, истамаса, бошқа бировга ўтказиб сотсин” (*taplasar, özi tutsun, taplamasar, adïn kišikä ötkürü satsun*) дея таъкидланади.

Васиқаларда, ўрни билан, кўчма маъноли, экспрессив бўёқли сўзлар ҳам учраб туради. Берлин Фанлар академияси фондида T.M.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган ҳужжатда [1.203-206] Қуғдамуни Тамуйга бўз керак бўлиб Алпиш исмли кишидан эллик тош бўз олгани ва унинг эвазига ўз қул-бачасини бергани тўғрисида сўз боради. “Алпишдан эллик тош бўзни қўлимга олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли ўн уч яшар қулимни Алпишга уни рози қилиб сотдим (алмашдим)” (*Alpïštïn elik taš böz eligtä alïp, özümniŋ Yuŋčï atlïğ on üč yašar er ulannï Alpïšqa tuğru tomlïtu satdïm*) дея таъкидланади. Матнда келган *tuğru tomlïtu satdïm* – “келишиб сотдим; унга маъқул келадиган қилиб сотдим; уни рози қилиб сотдим” англамларидадир. Чоғиштиринг, Маҳмуд Кошғарий девонида: *tumlïttï~tumluttï*: 1) (сувни) яхлатди, совутди; 2) (кўнглини) совутди, совуқ кўрсатди: *ol anïn köŋlin tumluttï* – “у унга ғазаб қилди; унинг кўнглини совутди, у уни ҳафа қилиб қўйди” [3.397]. Биз айтмоқчи бўлганимиз, ҳужжатда кечган *turğu tomlutu* бирикмасида ҳам кўчма маъно бор.

Шунингдек, ҳужжатларда синтактик параллелизмлар, аллитерация сингари бадиий воситаларга ҳам мурожаат этилади. Айрим жумлалар сажъда.

Васиқаларда сўзловчи нутқининг берилиши ҳам ўзига хос. Матн битувчи, одатда, ерни ижарага ёки нарсани қарзга бераётган кимса, шунингдек, давлат идорасининг ходими, бирор ўқимишли киши бўлади. Матн, асосан, қарз олувчи тилидан ўқувчига қарата сўзланади. Турган гап, ҳужжат битишнинг жавобгарлиги бор. Бу нарса унинг хотимасида албатта қайд этилади: агар ерни ижарага ёки бирон нарсани қарзга бераётган кимса васиқани битган бўлса, охирида “мен битдим” ёки “менинг ўзим битдим” (*men özüm bitidim; meniŋ özüm bitidim*) деб ёзиб қўяди. Мабодо, ҳужжат идора ходими ёки бошқа кимса тарафидан битилган бўлса, унда *Men, Mïsïr, ayïtïp bitidim; Men, Torčï, aqa-inilärkä ayïtïp bitidim* сингари жумлалар билан якунланади. Бу жумла “Мен, Мисир, (қарз олувчининг) айтиб турган сўзлари бўйича ёздим”; “Мен, Тўрчи, оға-иниларнинг [яъни қарз олаётганларнинг] айтган сўзлари бўйича ёздим” деган мазмунни англатади.

Одатда, тарихий-бадиий, диний-фалсафий асарларда, қиссаларда сўзловчи бирор кимсанинг айтганларини таъкидламоқчи бўлса, кўпинча кўчирма гап шаклида беради ва автор гапи *tedi; tep tedi* (*деди; деб айтди*), қаҳрамон хаёлидаги фикр бўлса, *tep saqïntï* (*деб ўйлади*), кўчирма гап ўтинч мазмунида бўлса, *tep ötündi* (*деб ўтинди*), хонларнинг буйруғи бўлса, *tep yarlïqadï* (*дея ёрлиқ берди*) шаклларида якунланади ва б. Қизиғи шундаки, биз сўз юритаётган ҳужжатларда нутқнинг берилиш усули бундан фарқли: матн қарз берувчи кимса тилидан битилаётганига қарамай, асосий қисмда қарз берувчининг қарз билан алоқадор муҳим сўзлари, таъкидлари унинг ўз тилидан берилади. Шу ўринда Берлин Фанлар академияси фондида T.M.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган васиқадан олинган мисолга эътибор қаратсак [1.203-206]:

(1) Toŋuz yïl, ikinti ay, üč yaŋïqa
(2) meŋä, Quğdamunï Tamuyqa yuŋlaq-
(3) lïğ böz kergäk bolup Alpïš-
(4) tïn elik taš böz eligtä
(5) alïp, özümniŋ Yuŋčï atlïğ
(6) on üč yašar er ulannï
(7) Alpïšqa turğu-tomlïtu satdïm.
(8) Eligtä alïp, bu bitigni
(9) qïlmïš kün üzä men Alpïš
(10) tügäl sanap berdim, men Quğdamunï
(11) yämä tügäl sanap aldïm. Bir eksüg-
(12) süz bu Yuŋčïqa miŋ yïl, tümän
(13) künkä tegi Alpïš egälik bolsun.
(14) Taplasar, özi tutsun, taplamasar,
(15) adïn kišikä ötkürü satsun.

Мазмуни:

(1) Тўнғиз йили, иккинчи ойнинг учинчи куни
(2) менга, Қуғдамуни Тамуйга ишлатиш учун
(3) бўз керак бўлиб Алпиш-
(4) дан эллик тош бўзни қўлимга
(5) олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли
(6) ўн уч яшар қулимни
(7) Алпишга (уни) рози қилиб сотдим.
(8) (Юнгчи отли қулни) ўз ихтиёримга олиб, бу ҳужжат
(9) битилган кун мен, Алпиш
(10) (бўзни) тугал санаб бердим, мен Қуғдамуни
(11) ҳам (уни) тугал санаб олдим. Ҳеч бир қаршиликсиз,
(12) бу Юнгчига минг йил, туман
(13) кунга қадар Алпиш эгалик қилсин.

(14) Истаса, ўзи тутсин [яъни, ишлатсин], истамаса,

(15) ўзга кишига ўтказиб сотсин.

Юқоридаги мисолда, матн бўзни қарзга олаётган Қуғдамуни тилидан сўзланаётганига қарамай, қарзга берувчининг сўзи унинг ўз тилидан (*Мен, Алпиш (бўзни) тугал санаб бердим*), қарз олаётган кишининг сўзи ҳам ўз тилидан (*мен Қуғдамуни ҳам (уни) тугал санаб олдим*) берилмоқда.

Васиқани тузишда гувоҳ сифатида қатнашганларнинг сўзлари ҳам уларнинг ўз тилидан берилади.

Ҳужжат сўнгида уни Шила исмли кимса битганлиги таъкидланган: *Men Šila Quqdamunïqa inčkä aytïp bitidim* (Мен Шила Қуғдамунидан аниқ сўраб [яъни унинг айтганлари бўйича] ёздим).

Эътибор қаратилса, юқоридаги матнда бир неча кимсанинг (қарз олувчи, қарз берувчи, хат битувчи ва гувоҳларнинг) нутқи ўзаро уйғун. Ҳужжатларда юридик шахслар нутқининг бу шаклда берилиши бежиз эмас: улар ўзаро уйғунлашиб, матн таъсирини оширади, ҳужжатларда сўз бораётган юридик шахслар нутқининг легитимлиги, ишончлилиги, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлайди.

Эски ҳужжатларда расмий ва бадиий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу кўринишда уйғунлашуви туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Қадимки уйғур езиқидики васиқалар. Нашрга тайёрлағучилар: Муҳамматраҳим Сайит, Исропил Юсуп. Урумчи, 2000 (уйғур тилида).- 312-315, 444- б.; Ушбу матнларнинг фотоси “Digitales Turfan-Archiv” номи билан интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган www.Turfanforschung.com.

2. Древнетюркский словарь. – Л., 1969

3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. II том. – Т., 1961

Тошкент давлат шарқшунослик институти
2013 йил 5 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Раҳмонов)